



2018 йил 31 май

№ РС-29-18

Тошкент шаҳри

**“Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуий судларнинг локал
ҳисоблаш тармоғидан ва унинг ресурсларидан фойдаланиш
тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуий судларнинг локал ҳисоблаш тармоғидан ва унинг ресурсларидан фақат хизмат вазифалари доирасида фойдаланишни, тармоқ ресурсларини бехато ишлишини, хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ундан фойдаланишни тартибга солиш мақсадида, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига асосан, Олий суд Раёсати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуий судларнинг локал ҳисоблаш тармоғидан ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида”ги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансан ва 2018 йил 1 июлдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Олий суд Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ҳамда жойлардаги судларнинг ушбу соҳага масъул ходимлари ўз иш фаолиятини мазкур Низом талабларига тўлиқ риоя этган ҳолда ташкиллаштирун.

3. Олий суд Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) тасдиқланган режа асосида видеоконференцалоқа режимидан фойдаланган ҳолда мазкур Низом мазмун ва моҳияти юзасидан судья ва суд ходимларига ўкув-семинар машғулотларини ташкил этсин.

4. Олий суд таркибий тузилмалари раҳбарлари, жойлардаги судлар раислари мазкур Низом талабларига судья ва суд ходимлари томонидан тўлиқ риоя қилинишини таъминлаш ҳамда локал ҳисоблаш тармоқ ресурсларидан хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик чораларини кўрсингар.

5. Мазкур қарор Олий суд таркибий тузилмалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига ва улар орқали барча туманлараро, туман (шаҳар) судларига ижро учун юборилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Олий суд раисининг ўринбосари Б.Исаков зиммасига юклатилсин.

Олий суд раиси

К.Камилов

Олий суд Раёсатининг
2018 йил 31 майдаги
РС-29-18-сонли
қарорига ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуий судларнинг локал
ҳисоблаш тармоғидан ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуий судларнинг локал ҳисоблаш тармоғи – Олий суд таркибий тузилмалари ва қуий судлар ходимлари ўзаро ягона ахборот макони доирасида рақамли телекоммуникация маълумотлари билан алмашиш мақсадида яратилган ташкилий, технологик мажмуадир.

2. Локал ҳисоблаш тармоғи тармоқ ресурсларидан фойдаланишни назорат қилиш ва чегаралашни, локал тармоққа уланган қурилмалардан (принтер, сканер ва х.к.) ва интернет тармоғидан фойдаланишни, ҳуқуқий маълумотлар базалари (“LexUZ”, “Norma” ва х.к.) билан ишлашни ташкиллаштиришни, юқори тезликдаги кўп босқичли коммутация ва иш юритишни автоматлаштиришни таъминлайди.

3. Мазкур қоидалар техник ускуналар ва айланма маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида локал тармоқдаги техник ускуналардан ва ахборот ресурсларидан фойдаланишни тартибга солишга қаратилган.

4. Ушбу қоидалар локал тармоқ фаолиятининг асосий тамойиллари ва қоидаларини, шунингдек, тизим администратори ва тармоқ фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

5. Ушбу қоидалар локал тармоқдаги ҳар қандай ахборотни қайта ишлаш техник воситалари фойдаланувчиларига, шунингдек, локал тармоқ орқали интернетдан ёки тармоқ орқали масофавий уланишнинг бошқа турларидан фойдаланган ҳолда ахборот ресурсларидан фойдаланувчиларга қўлланилади.

**II. Локал ҳисоблаш тармоғи фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ва
мажбуриятлари**

6. Локал ҳисоблаш тармоқ фойдаланувчилари қуийдагиларга мажбурдирлар:

- техник воситаларда ишлашдан аввал мазкур Низом билан танишиб чиқишига;
- ички ва глобал тармоқлардаги, шунингдек, бошқа ахборот ресурсларидан фақат хизмат вазифалари доирасида фойдаланишига;
- эҳтиётсизлик (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) оқибатида локал тармоққа техник ёки ундаги ахборот ресурсларига зарар етказилишини олдини олиш чораларини кўришга;
- локал тармоқ орқали ички ва глобал тармоқ ресурсларига рухсатсиз уланмасликка;
- бошқа манбалардан олинган файлларни очишдан ёки фойдаланишдан аввал ушбу файлларни антивирус дастури билан текширишга;
- локал ҳисоблаш тармоғидан тарқатиш қонун билан тақиқланган маълумотларни ёки раҳбарият рухсатисиз хизмат фаолиятига доир маълумотларни тарқатиш учун фойдаланмасликка.

7. Локал ҳисоблаш тармоқ фойдаланувчилари локал тармоқ ресурсларидан ва тармоққа уланган қурилмалардан мазкур Низом қоидалари доирасида фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

8. Локал ҳисоблаш тармоқ фойдаланувчиларига қуидагилар тақиқланади:

- тизим администратори рўйхатидан ўтказилмаган янги ускуналарни локал ҳисоблаш тармоғига улаш ва ўрнатиш;
- рўйхатдан ўтказилмаган фойдаланувчиларга локал тармоқ ресурсларидан фойдаланишига шароит яратиб бериш;
- тизим администраторини ёзма равища огоҳлантирган ҳолда тармоқни сканерлаш дастурларини ишга тушириш;
- тизим администраторини хабардор қилмаган ҳолда тармоқ протоколи созламалари конфигурациясини ўзгартириш;
- тармоқ орқали видео файлларни томоша қилиш;
- катта ҳажмга эга бўлган файлларни (мусиқа ва видео файлларни) бошқа тармоқ фойдаланувчилари учун ҳам кириш ҳуқуқи берилган тармоқ дискларида сақлаш, хизмат эҳтиёжи туғилган ҳолатлар бундан мустасно;
- текширилмаган, номаълум манбалардаги ёки бошқа ташувчи қурилмалардаги файлларни аввал компьютер қаттиқ дискига сақлаган ҳолда антивирус дастурида текширмай туриб очиш ва ишга тушириш;
- ходимларнинг хизмат фаолиятига тааллукли бўлмаган файлларни (ўйинлар, видео, виртуал CD ва x.к.) бошқа тармоқ фойдаланувчилари учун ҳам кириш ҳуқуқи берилган тармоқ дискларида сақлаш;

- мазмунан ёки маълумотлар таркиби жиҳатидан тўғридан-тўғри хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган кўнгилочар йўналишдаги ёки ахлоқсиз сайтларни томоша қилиш;
- онлайн ўйинлар ўйнаш;
- Интернет тармоғи орқали даромад олиш учун мўлжалланган турли дастурлардан фойдаланиш;
- мусиқа ва видео файлларни, шунингдек, хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа файлларни юклаб олиш;
- текширилмаган манбалардан келган почта иловаларини компьютер қаттиқ дискига сақлаган холда антивирус дастурларида текширмай туриб очиш.

III. Ўзбекистон Республикаси Олий суди локал ҳисоблаш тармоғи тизим администраторининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

9. Локал ҳисоблаш тармоқ администратори вазифасини Олий суд раҳбарияти томонидан тасдиқланган Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармасининг (бундан буён матнда АҚТБ деб юритилади) масъул ходими, (куйи судларда тизимни бошқариш ва хизмат қўрсатиш муҳандиси) бажаради.

АҚТБ масъул ходими Олий суд биносида мавжуд локал ҳисоблаш тармоқларини узлуксиз ишлашини ва ундаги ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриб боради.

10. Локал ҳисоблаш тармоқ администратори қўйидагиларни таъминлайди:

- локал ҳисоблаш тармоқнинг техник ускуналари, тармоқ ресурсларини ишлаб туришини ва ахборот хавфсизлигини таъминлашни;
- тармоқ фойдаланувчиларини рўйхатдан ўтказишни; тармоқ ва ахборот ресурсларидан фойдаланишга бўлган ҳукуқларни белгилаб беришни;
- локал тармоқларнинг ягона техник, дастурий-услубий ва технологик инфратузилмасини яратиш ва ёрдам қўрсатишни;
- тармоқдаги иш жойларини рўйхатдан ўтказиш, фойдаланувчиларнинг тармоққа кириш, ахборот ресурсларидан фойдаланиш ҳукуқларини белгилаб беришни;
- ахборот ресурсларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш ҳукуқини тугатишни;
- фойдаланувчиларни ташқи тармоқларга уланишини ташкилий ва технологик жиҳатдан таъминлашни;
- фойдаланувчилар рўйхатини яратишни;

- фойдаланувчилар иш жойларини рўйхатдан ўтказиш ва ўчиришни;
- сервер ва роутерларни (маршрутизаторларни) улаш, ўчириш ва уларнинг созламалари тўғрилигини тест тартибида синовдан ўтказишни;
- тармоқка ташқаридан рухсатсиз уланиш имкониятларини бартараф этишни;
- фойдаланувчилар билан ўкув ва маслаҳат ишларини олиб боришни.

11. Тизим администраторининг хизмат вазифаларига қуидагилар киради:

Ускуналарни узлуксиз ишилаши ва ахборот ресурсларидан фойдаланишини таъминлаш бўйича:

- тармоқ фойдаланувчиларининг рўйхатини яратиш;
- фойдаланувчилар иш жойларини улаш, ўчириш ва тўғри уланганлигини тест тартибида синовидан ўтказиш;
- тармоқ таркибига кирувчи локал тармоқ серверларини улаш, ўчириш ва созламаларини тўғрилигини тест тартибида синовдан ўтказиш.

Корпоратив тармоқ серверларидағи ахборот хавфсизлиги қисми бўйича:

- техник, дастурний ва ахборот ресурслари хавфсизлигини таъминлаш;
- чекланган фойдаланиш манбаларига рухсатсиз уланишларни олдини олиш;
- сервер хонасида серверларни, свитчларни (коммутаторларни), роутерларни (маршрутизаторларни) ва бошқариш тизимларини, трафикларни мониторинг қилиб бориш, пассив хавфсизлик тизимини (прокси-серверлар), адаптив хавфсизлик ҳамда хавфсизлик тизимидағи заиф жойларни аниқлаш, портларни сканер қилиш, хавфсизликни таҳлил қилиш тизимлари, трафикни таҳлил қилувчи – сніфферлар, масофавий бошқарув тизимларини, номларни таниш тизимларини (DNS), электрон почта тизимларини ўрнатиш, созлаш, модификация қилиш, ишга тушириш ва ишлатиш.

– фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотларни рўйхатдан ўтказиш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва ҳисобини юритиш дастурини ишлатиш.

– локал тармоқ техник ускуналари орқали қайта ишланадиган ахборотларни антивирус дастурлари билан ҳимоялаш масалаларини ҳал этиш.

12. Локал ҳисоблаш тармоқ тизими администраторининг ҳуқуқлари қуидагилардан иборат:

- мазкур Низом талабларига риоя қилмаётган фойдаланувчиларни огоҳлантириш;

- мазкур Низом талабларини мунтазам равища ҳамда қўпол тарзда бузган фойдаланувчилар раҳбарларини хабардор қилган ҳолда фойдаланувчи хуқуқларини чеклаб қўйиш;
- иш жараёнида хатолик ёки нотўғри ишлаш ҳолатлари юзага келган ҳолларда фойдаланувчидан ушбу ҳолат юзага келгунига қадар амалга оширган ҳаракатлари юзасидан батафсил ҳисобот талаб қилиб олиш;
- ўйин дастурларини ўз ичига олган, вируслар билан заарланган, хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мультимедиа, шунингдек, Олий суд хавфсизлик сиёсатини бузилишига олиб келадиган дастурий кодларни ўз ичига олган фойдаланувчилар файлларини ўзаро ахборот алмашиш учун мўлжалланган ресурслардан огоҳлантирасдан ўчириб ташлаш;
- бино ичида ўрнатилган техник воситалар созлиги ва созламаларини тўғрилигини текшириш.

IV. Ўзбекистон Республикаси судларида локал ҳисоблаш тармоғи ишини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш

13. Ўзбекистон Республикаси судларида локал ҳисоблаш тармоғи ишини ташкил этиш вазифаси масъул ходимга юклатилади.

14. Ўзбекистон Республикаси судларида локал ҳисоблаш тармоғи ишини ташкил этиш бўйича масъул ходим суд раисининг буйруғи асосида тайинланади.

15. Масъул ходим суд биносида мавжуд локал ҳисоблаш тармоғининг узлуксиз ишлашини назорат этиб боради.

Локал тармоқ ишида носозликлар ва камчиликлар аниқланганда, масъул ходим суд раиси ва АҚТБ масъул ходимини носозлик ва хатолардан хабардор қиласди.

Юзага келган камчилик ва хатолик масъул ходим томонидан АҚТБ масъул ходими билан келишган ҳолда амалга оширилади.

V. Локал тармоқда иш жойини рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш тартиби

16. Локал ҳисоблаш тармоғида иш жойини рўйхатдан ўтказиш ходимнинг талабномасига асосан тизим администратори ёки суднинг масъул ходими томонидан амалга оширилади.

17. Иш жойини локал ҳисоблаш тармоғига улаш учун техник имкониятлар мавжуд бўлган ҳолларда амалга оширилади.

18. Иш жойи локал тармоққа уланганидан сўнг тизим администратори ёки масъул ходим мазкур иш жойида ишловчи фойдаланувчилар рўйхатини

шакллантириш, локал тармоқда бошқа тармоқ фойдаланувчилари билан маълумотлар алмашиш учун фойдаланувчининг алоҳида шахсий папкасини яратиш, иш жойини локал ҳисоблаш тармоғига улаш учун дастурий таъминотни созлаш ишларини амалга оширади.

VI. Якуний қоидалар

19. Мазкур Низом талабларига амал қилинмаган тақдирда, айбдор шахсларга нисбатан интизомий жавобгарлик чоралари қўлланилиши мумкин.